

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШНИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНІ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУХИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Хўжаназарова Мақсуда Мухаммадовна

Аннотация: Уибу мақолада хотин-қизлар жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиши ва ижтимоий мослаштиришини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг юридик таҳлили, шунингдек, мазкур қонун ва қонуности ҳужжатларига киритилиши лозим бўлган айрим ўзгартиришлар, зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиши ва мослаштириши масалалари доирасида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Реабилитация, ижтимоий мослаштириши, хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиши ва ижтимоий мослаштириши, «Темир дафтар», Миллий дастур, “Хотин-қизлар дафтари”.

Фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлизликка доир хуқуqlarini таъминлаш борасида бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, жамиятда ҳар бир шахсга ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун самарали механизmlар ишлаб чиқилиб, бу борада жамият манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминловчи суд-хуқуқ тизими самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, жамиятнинг пойdevori ҳисобланмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий ва ижтимоий-иктисодий асосларини кучайтириш, унинг хавфсизлигини ва уйғунлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўрилаётган ва янгидан ишлаб чиқилиши назарда тутилаётган чора-тадбирлар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг хуқуqlari ва қонуний манфаатларига риоя қилиш, маънавий-ахлоқий асосларни ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш учун пойdevor яратди.

Юртимизда оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан жисмоний, ахлоқий ёки мулкий заар етказиш натижасида содир етилган хуқуқбузарликлар туфайли жабр кўрган шахсларга кўмаклашиш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича инфратузилмани яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, жамиятда, энг аввало, ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг хуқуqlarini таъминлаш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан амалий муносабатларини кучайтириш, мазкур масалаларда жамоатчилик назорати жорий етилишини давом еттириш юзасидан

кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни талаб қиладиган айрим муаммолар ва камчиликлар ҳали хануз ўз ечимини кутаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур масалалар доирасида, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида: Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг, шу жумладан хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқлилиги кафолатлангани, шунингдек, қийноққа согланлик, зулм қилганлик ва бошқача тарзда шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини таҳқирловчи муомалада бўлганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Шунингдек, куйидагилар ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари етиб белгилаб қўйилди:

ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни ҳамда жамиятдаги ва оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсири кўрсатувчи бошқа ҳолатларни қўзғата оладиган оилавий ва шахслараро низоларнинг, депрессив вазиятларнинг эрта олдини олиш, шунингдек, ушбу жараёнда кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини йўлга қўйишда, юзага келадиган низоли вазиятларни, биринчи навбатда оилавий-маиший низоли вазиятларни ҳал қилишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини, шу жумладан фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

низоли вазиятларнинг эрта олдини олишга, енг аввало, “хавф остидаги гурӯҳ”да бўлган шахслар ва оилаларни аниқ мақсадда қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштиришга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

низоли вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш кайфиятини қўзғатадиган омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

жамиятда оилавий-маиший тусдаги зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан, биринчи навбатда, яқин қариндошлар томонидан муросасиз муносабат муҳитини, шу жумладан жазо муқаррарлигини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволдаги шахсларни қўллаб-қувватлаш орқали қарор топтириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, оилавий ва шахсларaro муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июлдаги “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 543-сон қарори⁴² ҳам

⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июлдаги “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда мухим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжат билан Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари этиб, биринчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш; иккинчидан, ижтимоий-маиший кўмак бериш; учинчидан, қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар олишда ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида: биринчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик ва ижтимоий мослашуви мониторинги тизими жорий этилди; иккинчидан, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш бўйича давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикчилиги ривожлантирилди; учинчидан, улар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятлар сонини камайтиришга қаратилган таъсиричан чоралар кўриш тизими кучайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни тартибга солувчи норматив-хукукий баъза яратилди ва ушбу соҳадаги қонунчилик муайян даражада тизимлаштирилди. Ўйлаймизки, келгусида мавжуд қонунчиликдаги коллизия ва хукукий бўшлиқларни бартараф этиш орқали жиноят содир этган хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор нормалар билан тўлдириш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони билан “2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабхаларида фаоллигини ошириш бўйича” Миллий дастур қабул қилинди.

Миллий дастурнинг мақсади -хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг хукукий асосларини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан,

давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашдан иборат⁴³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласвий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон Қарори хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда муҳим ахамият касб этувчи хукукий хужжатлардан биридир.

Қарорда қуйидаги вазифалар белгиланди, биринчидан, хотин-қизларнинг руҳиятига салбий таъсир этувчи оиласдаги муҳитни бартараф этишда кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш; иккинчидан, оиласвий-маиший муаммоларини бартараф этишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш; учинчидан, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштириш; тўртинчидан, жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон Қарори ҳам жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни ташкил этишд мухим хукукий асослардан биридир. Мазкур Қарор билан “Зўрлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан жабрланганларни қўллаб-куватлаш бўйича йўл харитаси” тасдиқланди. Йўл харитада белгиланган “Хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” чора-тадбир асосида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб вазирлиги хузурида 1 та Республика маркази, 14 та ҳудудий марказлар ва 14 та намунали туманлараро марказларни ташкил этилиши белгиланди.

Мазкур доирада шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, қарорда зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш масалаларига эътибор қаратилган, шу боисдан йўл харитада “Жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари”ни ташкил этиш бўйича алоҳида чора-тадбирни белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”⁴⁴ги 495-сон қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан “2019 йилда Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари дастури” тасдиқланди. Дастурда хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ҳамда

⁴³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.03.2022 й., 06/22/87/0198-сон

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 495-сон қарори// URL: <http://www.lex.uz>.

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўрганилган жараёнлар доирасига назар ташлаган ҳолда, Бухоро тажрибасидан келиб чиқиб, республикамиздаги барча худудий бирликлари, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ҳам хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴⁵ги 2-сон қарори билан “Хотин-қизлар муаммоларини “Хотин-қизлар дафтари”ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб” тасдиқланди.

Мазкур қарор асосида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган хотин-қизларга ёрдам кўрсатилиши билан бир қаторда улар ўртасидаги жиноятчилик профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қиласди, аммо шу билан бирга мазкур қарор билан тасдиқланган “Вактинчалик тартиб” ўрнига “Низом”ни тасдиқлаш ҳамда секторлар ишчи гуруҳи таркибини аниқ кўрсатиш, уларнинг таркибига ИИОларидан бир нафардан вакиллар киритилиши белгилаш соҳа юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қиласди деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”⁴⁵ги 210-сон қарори билан алоҳида жамғарма ташкил этилди ҳамда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисида” низоми тасдиқланди.

Жамғарманинг асосий мақсади хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, шу жумладан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴⁵ги 250-сон қарори билан «Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб” тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш борасида комплекс норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганлигини

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴⁵ги 2-сон қарори// URL: <http://www.lex.uz>.

эътироф этсакда, аммо улар тўлиқ ижро этилмоқда деб айта олмаймиз. Буларнинг кўйидаги омиллари мавжуд, биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-куватлаш борасида қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларнинг аксариятида айрим чора-тадбирлар тақрорланган; иккинчидан, бу йўналишда қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларнинг қўплиги жойларда тушунмовчиликларни келтириб чиқариб, уларнинг ижросини етарли даражада бажарилмаслигига олиб келади; учинчидан, норматив-хукуқий хужжатларда жиноят содир этган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Шу боисдан, хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш масалаларига оид барча норматив-хукуқий хужжатларни бир қонунга бирлаштириб, ягона қонун қабул қилиш ва ижросини қатъий назорат қилинишини таъминлаш, мазкур қонуннинг алоҳида бобида “Жиноят содир этган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари ва уларни амалга оширишга маъсул бўлган давлат органлари” деб номланувчи норма киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 02.07.2018 йилдаги ПҚ-3827-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июлдаги “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 543-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3827081> (мурожаат вақти: 29.10.2021).
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.03.2022 й., 06/22/87/0198-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 495-сон қарори// URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2-сон қарори// URL: <http://www.lex.uz>.